

# Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги

## ШАРТНОМА № 2

“ 7 ” 01 2022й.

Асака тумани

“Андижон нефт базаси” масъуляти чекланган жамияти, кейинги ўринларда «**Етказиб берувчи**» деб юритилувчи номидан “Андижон нефт база” МЧЖ томонидан 2022 йил «05» январь куни берилган 01/04-сонли ишончнома асосида иш юритувчи “Андижон нефт база” МЧЖ Асака филиали раҳбари Ч.Яшаров бир томондан ва Асака тумани ирригация бўлими кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилувчи номидан А. Абдуразақов иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Етказиб берувчи”, “Истеъмолчи” ганефтмаҳсулотларини “Истеъмолчи”нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва қуйида келтирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Нефт маҳсулотларининг тури	Йиллик миқдор (тонна)	1 тонна нархи (сўмда) Биржа савдоларида шикетлаш насурига чавархда	Тахминий умумий суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича									
				I-чорак		II-чорак		III-чорак		IV-чорак			
				тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма		
Автобензин АИ-80													
Автобензин АИ-91													
Автобензин АИ-95													
Дизель ёнилғиси	1,5	12000000	18000000	1,5	18000000								
Дизель ёнилғиси (ЭКО)													
Ўчоқ ёқилғиси													
ЖАМИ:				1,5	18000000								

1.2. “Истеъмолчи” маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси ҚҚС билан 18000000 (Ҳи саққиз миллион) — сўмни ташкил қилади.

### 2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

2.1. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранспортида, маҳсулот автотранспортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилди. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташишда қуйидагилар барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда «Етказиб берувчи» га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молиявий эътирозни йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автоцистерналарга маҳсулот қуйишга рухсат берилмайди.

2.2. “Истеъмолчи”да нефть маҳсулотларини сақлаш учун идоровий нефть омбори ҳамда нефть маҳсулотларини ташиш учун маҳсулот автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефть маҳсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефть омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Етказиб берувчи”нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Истеъмолчи”нинг маҳсулот автотранспорт воситасида нефть маҳсулотларини ташиш “Хавфли юкларни ташиш қоидалари”га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда транспорт воситаси “Етказиб берувчи” нефть омборига киритилмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Етказиб берувчи”нинг маҳсулот транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Истеъмолчи”нинг нефть омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Истеъмолчи”нинг омборида “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётига имзо қўйилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита “Истеъмолчи” вакилининг ҳоҳишига кўра “Етказиб берувчи”нинг нефть омборида амалга оширилиши мумкин.

2.4. Нефт маҳсулотлари “Етказиб берувчи”га тегишли бўлган ёнилғи тарқатиш шахобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун “Истеъмолчи”нинг ишончномасига мувофиқ маҳсулотни ёқилғи тарқатиш шахобчасидан олиш тўғрисида рухсатнома расмийлаштирилади. Мазкур рухсатнома “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан ёнилғи тарқатиш шахобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш варақаси юритади. “Истеъмолчи” вакилига берилган маҳсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида “Истеъмолчи”нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибда темир йўл транспортида етказиб берилганда, темир йўл накладнойига юкни ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни қабул қилиш амалдаги “Нефть, газ конденцати ва нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма”га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Маҳсулотга эгаллик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбуриятини бажарган санадан эътиборан «Истеъмолчи»га ўтади.

2.7. Нефт база омборига маҳсулот қуйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот қуйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик “Истеъмолчи” зиммасига, маҳсулот маҳсулот автотранспортида ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

2.8. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи)нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) нефть база ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда таъғаланади. Таъғалаш “Истеъмолчи”нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.9. “Етказиб берувчи” нефть маҳсулотлари таъминотининг узиллишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайд.

### 3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тўлов топшириқнома асосида амалга оширилади.

3.2. "Истеъмолчи" олаётган нефт махсулотлари партияси учун хакини олдиндан камида 5 кун олдин 100% миқдорда «Етказиб берувчи»нинг хисоб-рақамига ҳақ тўлайди.

3.3. «Етказиб берувчи» нефт махсулотларини "Истеъмолчи"га биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларидан келиб чиқиб, «Етказиб берувчи» нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шаклландиган нархларда сотади.

3.4. Шартнома суммаси нефт махсулотларини "Етказиб берувчи" таъмонидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть махсулотини ташиш билан боғлиқ темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть махсулотлари таъминоти қорхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефт махсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади ва бу ҳақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

#### 4. НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Нефть махсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:

а) «Етказиб берувчи» нефт базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть махсулотини олиб чиқиши қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;

б) «Истеъмолчи» транзит орқали махсулотларни қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

4.2. Эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, махсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» қорхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи» га ўтади.

4.3. Нефть махсулотларини миқдор ва сифати бўйича "Истеъмолчи", "Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдори ва сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида"ги йуриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

#### 5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. "Истеъмолчи" нефт махсулотларини олаётган вақтда жойида махсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.

5.2. Етказиб бериладиган махсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу махсулот ортиш ва кузатувчи ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.3. Нефть махсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартноманинг ҳар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

6.2. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефт махсулотларини етказиб беришни қафолатлайди. Ҳар икки томон нефт махсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

Нефть махсулотларини хисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

6.3. «Истеъмолчи» нефть махсулотларини саклашнинг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.4. «Истеъмолчи» томонидан унинг ҳудудига олиб келинган нефть махсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

6.5. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть махсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган махсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди ва Етказиб берувчи олинмаган махсулот учун махсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.6. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

#### 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Ҳар икки томон ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар;

- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнгин, зилзила ва бошқалар оқибатида юз берса,

- нефтқайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш ҳажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЁҚШлар ва нефт база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгилувчи ташкилотлар қарорига асосан нефть махсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

#### 8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. \_\_\_\_\_

#### 9. НИЗОЛАРНИ ҚУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШINI ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий хисобланади.

9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккалатомонмустақил ҳал эта олмайдиган масалалар белгиланган тартибда иктисодий судларида ҳал этилади.

9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

9.4. Шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий фазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга қиради ва 2022 йилнинг 31 декабр гача амал қилади.

#### 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

##### «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

##### «ИСТЕЪМОЛЧИ»

Номи: "Андижон нефт базаси" МЧЖ Асака филиали

Номи: Асака Т. ирригация бўлими

Манзил: Асака туман, Темирийулчилар кўчаси №27-уй

Манзили: Асака 7 И. Бухорий 33

Ҳ/р: 2260 4000 7002 8578 8702

х-р: 100022860032247042402170001

ИНН: 200240109, МФО: 00432

Банк номи: МБ ББ ЖКММ Ташкент ш

Банк: "Ўзбекистон қурилиш банк" АТБ Хамза филиали.

МФО: 00014 ИНН: 305086292

Директор: \_\_\_\_\_ Ч. Яшаров

Раҳбари: \_\_\_\_\_ Я. Абдуразақов

Ҳуқуқий хулоса: Мазкур шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни талабларига зид эмас.

Юристкаонсулт: \_\_\_\_\_ А. Акбаров

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ XZ74787025

1. Loyihaning turi.

**Shartnoma.**

2. Loyihaning nomi.

**Mahsulot yetkazib berish shartnomasi.**


“Andijon neft baza” MChJ Asaka filialidan umumiy qiymati 18 000 000 so‘mlik Ichimlik Dizel yonilg‘isini olish to‘g‘risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot.

**Asaka tuman Irrigatsiya bo‘limi 07.01.2022 yil.**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti**



**Y.A.Musaev**

2022 yil 19 yanvar